# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг

## *барча сайловчиларга—ишчиларга, деҳқонларга, совет интеллигенциясига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига*

# *МУРОЖААТИ*

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Совет олимлари ва инженерларининг жуда катта муваффақиятлари, ўтган тўрт йил ичида биринчи атом электростанциясининг қурилганлиги, энг янги конструкциядаги реактив самолётларнинг ҳамда қитъалараро баллистик ракеталарнинг вужудга келтирилганлиги, электроника, телемеханика, чала ўтказгичлар соҳасидаги жуда катта ихтиролар ва фан ҳамда техниканинг бошқа кўп соҳаларидаги йирик ихтиролар каби воқеалар социализмнинг буюк ижодий кучга эга эканлигини яққол исбот этади.

1957 йил инсоният тарихига Ернинг биринчи сунъий йўлдошлари космосга учирилган йил бўлиб киради. Булар Ернинг совет сунъий йўлдошлари бўлиб, бу йўлдошларни совет олимлари, инженерлари ва ишчилари яратдилар. Ер биринчи сунъий йўлдошларининг учирилиши буюк кашфиёт бўлиб, фан ва техникани юксалтиришда янги давр очди. Бу кашфиёт совет фани, техникаси, саноатининг юксак даражада эканлигини бутун дунёга очиқ ва яққол кўрсатиб берди. Бу муваффақиятлар капитализм зулмидан озод бўлган совет кишиларининг буюк маънавий кучлари ва талантларини, совет фанининг юксак даражада ташкил этилганлигини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фан аҳлларига жуда катта эътибор бераётганлигини ифода этди.

Кўп миллатли совет адабиёти ва санъати ўтган йиллар ичида халқнинг ҳаётини ва унинг коммунизм йўлидаги курашини акс эттирган янги, анча катта асарлар билан бойиди. Асримизнинг энг илғор идеялари билан суғорилган адабиётимиз ва санъатимиз халққа, халқни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Ана шу йиллар ичида социалистик саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият ривожланиши билан бирга, коммунизм қурувчи, мамлакатдаги барча ноз-неъмат ва маданий бойликларнинг ижодкори совет халқининг сиёсий, маданий-техника, маънавий савияси ҳам ўсди. Совет кишисининг истеъдод, қобилият ва талантлари янада гуллаб-яшнади ва нималарга қодир эканлигини намоён қилди. Социалистик жамият эришган барча муваффақиятларнинг асосий манбаи, коммунизмнинг енгилмас кучи ана шундадир.

**Коммунистик партия совет фани, адабиёти, санъати, халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида, халқ оммасининг маданий савиясини янада ошириш тўғрисида, совет кишисининг шахсий фазилатларини яшнатиш ҳақида бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик қилади. Партия қаттиқ ишонч билдириб айтадики, шонли совет интеллигенцияси халқ олдидаги ўз бурчларини бундан буён ҳам шараф билан бажаради, кучларини коммунистик қурилиш улуғ ишига бағишлайди, совет фанини янги кашфиётлар билан бойитади, замонамизга муносиб адабиёт ва санъат асарларини яратади.**

Коммунистик партиянинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ. Партиянинг сиёсати, унинг бутун амалий фаолияти ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг турмуш шароитини йил сайин яхшилашга қаратилган. Олий Советга бўлиб ўтган сайловдан кейинги тўрт йил ичида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширдилар. Кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилди. Дам олиш ва байрам олди кунларида иш куни икки соат қисқартирилди. Етти соатлик иш куни, ер ости ишларида эса, олти соатлик иш куни жорий қилинмоқда. Социал страхование, нафақа, стипендия, бепул ўқиш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш учун давлат томонидан ажратилган маблағлар кўпайтирилди. Давлат пенсиялари тўғрисидаги янги Қонун меҳнаткашларни пенсия билан таъминлашни анча яхшилади. Ҳар йили ёзилиш йўли билан тарқатиладиган давлат заёмларини чиқариш тўхтатилди. Баъзи солиқлар бекор қилинди ва камайтирилди. Колхозлар томонидан давлатга топшириладиган ва сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархлари оширилди. Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар ўзларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларининг барча маҳсулотларидан давлатга топшириш мажбуриятидан тамомила озод қилиндилар.

Буларнинг ҳаммаси ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақини ва колхозчиларнинг даромадларини оширишга ёрдам берди. Кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш, пенсиялар учун ажратиладиган маблағнинг кўпайтирилиши ва заёмга ёзилишнинг қисқартилиши натижасидагина аҳоли 1957 йилда 1955 йилдагига нисбатан сал кам 41 миллиард сўм қўшимча даромад олди, бу йил эса, 60 миллиард сўмдан ортиқ даромад олади.

Совет кишилари яхши сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини, бежирим кийим ва пойафзалларни, уй рўзғор учун керакли турли молларни кўпроқ сотиб оладиган бўлдилар. 1957 йилда аҳолига 1953 йилдагига нисбатан икки ярим баравар кўпроқ сут ва сут маҳсулотлари, 70 процент кўпроқ гўшт маҳсулотлари, 48 процент кўп мол ёғи, 66 процент кўп тухум, 26 процент кўп қанд, 34 процент кўп газлама, шу жумладан, қарийб икки баравар кўпроқ шойи газлама, 74 процент кўп кийим-кечак, 85 процент кўп трикотаж буюмлар, бир ярим баравар кўп чарм пойафзал сотилди.

Шу давр ичида аҳолига сотилган маданий-маиший ва рўзғор моллари, чунончи радиоприёмниклар 2 баравардан кўпроқ, телевизорлар 5,3 баравар, мотоцикллар 2,1 баравар, тикув машиналари 2,2 баравар, соат 1,6 баравар, фотоаппаратлар 2,7 баравар, уй холодильниклари ва электропилесослар 6 баравар, велосипедлар 65 процент, мебеллар 74 процент ортди.

Совет кишилари тўрт йил ичида 15 миллиондан кўпроқ радиоприёмник ва телевизор, 79 миллионга яқин соат, 11 миллиондан кўпроқ велосипед, 7 миллиондан кўпроқ тикув машинаси, 4 миллион фотоаппарат сотиб олдилар. Давлат ва кооператив чакана товар обороти ана шу тўрт йил ичида умуман 52 процент, шу жумладан, қишлоқларда 75 процент ортди.

Коммунистик партия уй-жой қурилишига айниқса катта эътибор бермоқда. Утган йилнинг бир ўзидагина шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида салкам 48 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди ва фойдаланиш учун топширилди. 1958 йилда жами 61 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилади ва фойдаланиш учун топширилади. Бундан ташқари, колхозчилар ва қишлоқ зиёлиларининг кучи билан 800 минг уй қуриш мўлжалланади. Горький области меҳнаткашларининг ташаббуси билан бошланган ҳаракат—халқ қурилишлари методи билан уй-жой қуриш тобора кенг тус олмоқда. Уй-жой проблемаси ҳали ҳам кескин проблема бўлса ҳам, бизда ҳозирги вақтда мамлакатдаги уй-жой танқислигига 10-12 йил ичида хотима бериш учун бутун шарт-шароит мавжуддир. Партия миллионларча меҳнаткашларнинг манфаатларига тааллуқли бўлган ана шу энг муҳим вазифани муваффақиятли суратда ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради!

**Совет халқининг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши тўғрисида, унинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бундан буён ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фаолиятининг асосий йўлини белгилайди. Партия буни ўзининг асосий вазифаси деб, улуғ Лениннинг васиятларини амалга ошириш соҳасидаги ҳамма ишларининг моҳияти деб ҳисоблайди.**

Социалистик жамиятни, унинг экономикаси ва маданиятини муваффақиятли суратда ривожлантиришнинг энг муҳим шарти — демократиянинг олий типи, чинакам халқ демократияси бўлган Совет давлатидир. Коммунистик партия ана шу йиллар ичида социалистик давлатни, социалистик демократияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келди.

Социалистик демократиягина капитализм даврида жабр-жафо чеккан ўн миллионларча оддий кишиларнинг талантлари ва қобилиятларини юксалтириш учун чексиз имкониятлар вужудга келтиришни таъминлайди. Ижтимоий ва миллий жиҳатдан тўла тенгликдан иборат социалистик демократия шароитидагина асл мақсадга—коммунизмга бориш йўлидаги ҳамма қийинчилик ва ғовларни енгиб ўтадиган халқ оммасининг ижодий ташаббуси кўклам фаслида сув билан тўлиб тошган дарё каби мавж уриб ўса олди.

Ғарб мамлакатларининг корчаллонлари капиталистик мамлакатларда ўрнатилган тартибларни «демократик» тартиблар деб, ёлланган қуллик тузумини эса, «эркин дунё» деб атайдилар, «соф демократия» тўғрисида вайсайдилар.

Аммо, капитализмнинг йиртқич қонунлари ҳукм сураётган, завод ва фабрикалар, темир йўл ва банклар, ер ва ер ости бойликлари миллионерлар ва миллиардерлар қўлида бўлган ва юз миллионларча кишиларнинг меҳнат самараларини бир ҳовуч йиртқич эксплуататорлар ўзлаштираётган, барча моддий ноз-неъматларни яратувчи меҳнаткашлар оммаси эса, шафқатсиз эксплуатация қилинаётган ва инсонларча ҳаёт кечириш учун зарур шартлардан кўпинча маҳрум этилган давлатларни демократик давлатлар деб ҳисоблаш мумкинми, ахир.

Ҳар бир ишчи ва хизматчи доим ишсизлик, қашшоқлик ва очлик хавфи остида қолаётган, меҳнаткашлар ўзларининг эртанги кунлари учун, ўз оилалари, ўз бола-чақаларининг келажаги учун ташвиш тортаётган давлатларни демократик ва эркин давлатлар деб ҳисоблаб бўладими, ахир.

Бутун-бутун халқлар миллий тенгсизлик ва зулм шароитида яшаётган, ирқий камситиш ва линч судлари мавжуд бўлган, меҳнаткашларнинг талантлари, истеъдод ва қобилиятларининг рўёбга чиқишига йўл қўйилмаётган, жуда катта идеология аппарати: матбуот, радио, телевидение, босмахоналар, информация агентликлари—пропаганданинг бутун воситалари капиталистик мулк бўлиб, барча соф, илғор кучларга қарши гиж-гижлатиш учун, капитал ҳукмронлигини ва уруш пропагандасини оқлаш учун фойдаланилаётган давлатларни демократик ва эркин давлатлар деб ҳисоблаш мумкинми, ахир.

Капитализм шароитида «соф демократия» алдамчиликдир ва буржуазия идеологлари ҳамда реформистлар ана шу алдов йўли билан капиталистик монополияларнинг диктатурасини ниқоблайдилар. Ана шу «демократия» ниқоби остида инсониятга қарши энг мудҳиш ёвузликлар, чунончи: империалистик урушлар, мустамлакаларни талаш, халқларнинг миллий-озодлик курашини ва ишчилар ҳаракатини ваҳшиёна бостириш каби мудҳиш ёвузликлар қилинди ва қилинмоқда. Буржуа демократияси шароитида монополистик капитализм заминида буржуазия диктатурасининг формаларидан бири бўлган фашизм каби қабиҳ, ваҳший бир куч вужудга келиб ўсди.

Совет, социалистик демократия буржуазия диктатурасига қарши курашда вужудга келди. Совет ҳокимияти—халқ ҳокимияти, ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятидир. Мамлакатнинг ҳамма бойликлари ишчи ва деҳқонлар ихтиёридадир.

Ҳар бир давлатнинг демократизми, аввало, бу давлатнинг қандай сиёсатни ўтказаётганлиги билан, унинг кимларнинг манфаатини ифода этаётганлиги билан белгиланади. Ҳукмрон доиралари милитаризмнинг оғир машаққатларини халқлар зиммасига юклаётган, зўр бериб қуролланиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш ва янги агрессия тайёрлаш сиёсатини ўтказаётган, «уруш ёқаси»да турган давлатларнинг «демократизми» тўғрисида гап бўлиши мумкинми?

Совет социалистик давлатнинг чинакам демократизми унинг барча халқларнинг туб манфаатларига жавоб берадиган бутун ички ва ташқи сиёсатида ифода этилади.

Партиямизнинг ленинча миллий сиёсати чинакам демократизм намунасидир. Бу сиёсат озод совет республикаларининг қардошларча иттифоқида, улар давлатининг гуллаб-яшнашида, уларнинг экономикаси ва маданиятининг мавж уриб ўсишида, социалистик миллатларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг ривожланишида ўз ифодасини топди. Кейинги вақтларда иттифоқчи республикалар ҳуқуқларининг янада кенгайтирилиши натижасида неча минглаб саноат корхоналари иттифоқ ташкилотлари ихтиёридан олиниб, иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилди. Республикаларнинг бюджет ва қонун чиқариш соҳасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

**Улуғ Лениннинг васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия ўзининг миллий сиёсатини, барча совет халқларининг ҳуқуқий тенглиги ва қардошларча дўстлиги сиёсатини, кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг негизи бўлган сиёсатни бундан буён ҳам изчиллик билан амалга оширади.**

Кейинги тўрт йил ичида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти кучайди, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишдаги роли ошди. Идора-бошқарув аппарати қисқартирилмоқда ва арзонлаштирилмоқда. Бу аппаратдаги барча звеноларнинг ишлари яхшиланмоқда. Ишчилар синфининг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба союзларининг ишчиларни ва хизматчиларни давлатни ва жамоат ишлаб чиқаришини кун сайин бошқаришга жалб этиш соҳасидаги роли ортиб бормоқда. Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва гражданларнинг СССР Конституциясида гарантияланган ҳуқуқларига қаттиқ риоя қилиш тадбирлари амалга оширилди. Олий Совет ички сиёсатга доир энг муҳим масалаларни муҳокама қилмоқда ва ҳал этмоқда, ташқи сиёсат соҳасида халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлашга ва турли ижтимоий системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган фаолиятини кучайтирмоқда.

**Коммунистик партия социалистик давлатни мустаҳкамлаш тўғрисида, совет демократиясини янада ривожлантириш ҳақида, халқ оммасини совет ватанпарварлиги, халқлар дўстлиги ва қардошлиги, пролетар, социалистик интернационализмнинг ҳаётбахш идеялари руҳида тарбиялаш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай ғамхўрлик қилажагини изҳор қилади.**

Утган тўрт йилнинг якунлари шуни яққол кўрсатадики, 1954 йилда Коммунистик партиянинг сайловчиларга қилган Мурожаатида қўйилган вазифалар муваффақиятли суратда амалга оширилди. Ҳеч шубҳа йўқки, партия ҳозирги вақтда яқин йилларни кўзда тутиб илгари сураётган янги буюк вазифалар ҳам муваффақиятли суратда бажарилади.

Бу вазифаларнинг бажарилиши жаҳон тарихининг бутун боришига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучларни янада қудратли суратда ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан ва маданиятни юксалтириш асосида моддий ва маънавий ноз-неъматларнинг мўл-кўл бўлишига эришажагимизни ва бизнинг халқимиз коммунизмга аста-секин ўтиш йўлида ҳал қилувчи қадам қўяжагини билдиради.

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқнинг туб манфаатларини ифода этиб, тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келди ва ўтказмоқда, социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун, турли ижтимоий тузумга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, барча мамлакатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва улар билан ҳамкорликни ривожлантириш учун тинмай кураш олиб бормоқда.

Совет давлатининг тинчликсеварлик сиёсати капиталистик зулмга ва империалистик урушга қарши курашда вужудга келган социалистик тузумнинг моҳиятидан келиб чиқади. Бу сиёсат Совет давлатининг чинакам демократизмини ифода этади. Совет давлати учун халқ манфаатлари, тинчликни таъминлаш ҳар нарсадан азиздир. Эндиликда бутун инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғини бирлаштирган барча социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқи билан биргаликда тинчлик учун актив кураш олиб бормоқдалар, мустамлакачилик асорати кишанларини парчалаб ташлаган Осиё ва Африка мамлакатлари тинчлик учун кураш олиб бормоқдалар, ер юзидаги барча мамлакатларнинг тинчликсевар халқлари шу йўлда курашмоқдалар.

Бизнинг давримиз капитализмдан социализмга қонуний ўтиш даври, марксча-ленинча таълимотнинг буюк тантанаси давридир. Империалистлар ва уларнинг малайлари тинчлик таянчи—енгилмас социалистик лагерни парчалаб юбориш, бу лагернинг куч-қудратини заифлаштириш учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Аммо, империалистларнинг ана шу мўлжаллари шу вақтгача барбод бўлиб келди ва бундан буён ҳам шармандаларча барбод бўлади. Социалистик лагерь қудратли ва енгилмасдир!

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Улуғ Халқ Хитойи билан, барча социалистик мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни бундан буён ҳам тинмай кенгайтиришни ўзининг энг биринчи интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Ана шу алоқалар тенглик, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, социалистик интернационализмнинг ленинча принципига асосланган.**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги уруш хавфига қарши, тинчлик, халқлар озодлиги ва бахти учун курашиш билан бирга, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан интернационал алоқаларни мустаҳкамлайди. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада ўтказилган Кенгашлари қабул қилган Декларация ва Тинчлик Манифести халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг бирлиги ўсиб мустаҳкамланиб бораётганлигини исбот қилади, ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни тинчлик учун ва инсоният бахт-саодати учун курашга сафарбар қилади ва шу йўлда илҳомлантиради.

Совет Иттифоқи ялпи қуролсизланиш учун, ядро қуролини сўзсиз тақиқлаш учун, атом ва водород бомбалари синовларини дарҳол тўхтатиш учун, «совуқ уруш»ни тугатиш учун оғишмай курашиб келмоқда. Барча мамлакатларнинг халқлари Совет давлатининг тинчликсеварлик сиёсатини тобора қўллаб-қувватламоқдалар. Халқлар Совет Иттифоқининг сўзи билан иши ҳеч қачон бир-биридан фарқ қилмаганлигини кўриб турибдилар. Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликдан иборат ленинча сиёсатга ва халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги самимий интилишга амал қилиб, кейинги уч йил ичида ўз Қуролли Кучларини 2 миллион 140 минг кишига камайтирди. Бу эса, тинчликсеварлик сиёсатининг амалга оширилиши бўлиб, кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч вазиятини вужудга келтириш ишига қўшилган жиддий ҳиссадир.

Совет Иттифоқи тинч-тотув яшашни кўзда тутган бирдан-бир оқилона программани илгари суриб, капиталистик давлатларга зўр бериб қуролланиш соҳасида эмас, балки халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида мусобақа қилишни, ҳарбий базалар қуриш ва ракета учириладиган установкалар ўрнатиш соҳасида эмас, балки уй-жой ва мактаб қурилиши соҳасида мусобақа қилишни, «совуқ уруш»ни кенгайтириш соҳасида эмас, балки ўзаро фойдали савдо-сотиқ ва маданий бойликларни айирбошлаш соҳасида мусобақа қилишни таклиф этади.

Совет кишилари икки системанинг тинч иқтисодий мусобақа қилиши тарафдоридирлар, чунки улар социалистик тузумнинг капиталистик тузумга нисбатан устун эканлигига, коммунизм улуғ идеяларининг ғалаба қилишига ишонгандирлар.

Совет Иттифоқи ўз системасини, ўз идеологиясини мажбуран қабул қилдириш мақсадида бошқа бирон мамлакатга қарши ҳеч қачон қурол кўтаргани йўқ ва ҳеч қачон қурол кўтармайди. Бошқа бирон мамлакатга қарши қурол кўтариш социалистик давлатнинг табиатига, СССР Конституциясига хилофдир. Биз, ер юзида узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик вазиятида барча халқлар билан дўст бўлиб яшашни истаймиз, деб қатъий ва самимий айтамиз.

Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш ва изчил қуролсизланиш йўлида астойдил кураш олиб бориб, ўзининг кучсиз эканлигини ҳис этаётганлиги ва уруш оловини ёқувчиларнинг таҳдидидан қўрқаётганлиги учун шундай қилаётгани йўқ, асло бундай эмас. Биз, тинчлик учун қаттиқ ва изчил кураш олиб борамиз ва айни вақтда совет халқининг тинч меҳнати шавкатли Қуролли Кучларимиз томонидан мустаҳкам суратда қўриқланаётганлигини биламиз. Коммунистик партия Қуролли Кучларимизнинг доимий жанговар қобилияти тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келди ва ғамхўрлик қилади.

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг фикр ва ишлари бундан буён ҳам тинчликни ҳимоя қилишдан иборат буюк ва олижаноб ишни мустаҳкамлашга бағишланажагини сайловчиларга изҳор қилади.**

Сайловчи ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўтган сайловларда бўлгани каби бу сайлов кампаниясида ҳам партиясиз ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар билан маҳкам иттифоқ ва блок тузиб, касаба союзлари, комсомол ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари ҳамда жамиятлари билан биргаликда қатнашади. Депутатликка кўрсатиладиган кандидатлар коммунистлар учун ҳам, партиясизлар учун ҳам умумий бўлади.

**Коммунистик партия барча сайловчиларни СССР Олий Советига ўтказиладиган бу сайловда ҳам коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун якдиллик билан овоз беришга чақиради!**

Ўз мамлакатининг тўла ҳокимиятли хўжайини бўлган бизнинг халқимиз коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз бериш билан Коммунистик партиянинг ленинча сиёсати учун—мамлакатимизда коммунистик жамиятни ғолибона қуриш сиёсати учун овоз беради.

Бизнинг халқимиз коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз бериш билан Коммунистик партия XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш учун, Ватанимизни гуллаб-яшнатиш учун, халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун, совет кишиларининг бахтли ҳаёти учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун овоз беради.

Коммунистик партия коммунистлар билан партиясизлар блоки кандидатларининг СССР Олий Советига якдиллик билан сайланишига тўла умид боғлайди. Бу билан барча сайловчилар—ишчилар, деҳқонлар, совет зиёлилари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, ёшларимиз ўзларининг енгилмас бирликларини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига жипслашганликларини бутун дунё олдида яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети барча коммунистларни коммунистлар орасидан кўрсатилган кандидатлар учун қандай якдиллик билан овоз берса, партиясиз кандидатлар учун ҳам шундай овоз беришга чақиради. Коммунистик партия партиясиз сайловчиларнинг партиясизлар орасидан кўрсатилган кандидатлар учун қандай якдиллик билан овоз берса, депутатликка кандидат қилиб кўрсатилган коммунистлар учун ҳам шундай овоз беришларига умид боғлайди.

**Сайловчи ўртоқлар!**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни 1958 йил 16 мартда ўз гражданлик бурчингизни бажариш учун аҳиллик билан сайлов қутилари олдига келишга чақиради. СССР Олий Советига депутатлар сайлашдан иборат фахрли гражданлик ҳуқуқидан фойдаланмайдиган битта ҳам сайловчи бўлмаслиги керак.**

**16 март куни совет демократиясининг янги тантанаси куни, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва халқнинг енгилмас бирлигининг қудратли намойиши бўлсин!**

**Ҳамма сайловга!**

**Коммунистлар билан партиясизлар блокининг янги ғалабаси учун!**

**Яшасин шонли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!**

**Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!**

**Яшасин халқимиз барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!**

**Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!**

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.*

---

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## „Совет ёшлари куни“ни белгилаш тўғрисида

«Совет ёшлари куни»ни байрам қилиш белгилансин.

«Совет ёшлари куни» ҳар йил июнь ойининг сўнгги якшанба кунида байрам қилинсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва Кремль, 1958 йил 7 февраль.

